



QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRILIGI
BUYRÍGÍ

29«iyul»2023 jil.

618-A/F-san

Nókis qalası

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил
17 июльдаги 01/932-A/F-сон буйруғи ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 17 июльдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари бошчилигида 2023 йил 4 июль куни ўтказилган йиғилишининг 3-сон (ХДФУ) баёни ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 01/932-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 17 июльдаги 01/932-A/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлик буйруғи билан:

а) Қуйидагилар:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги “Гимнастика спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-449-сон қарори, шунингдек, бу борада амалга оширилаётган ишларнинг ижросини самарали ташкил қилишга кўмаклашиш бўйича **ишчи гуруҳ** (бундан буён матнда – Ишчи гуруҳ деб юритилади) **тузилганлиги ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги ҳамда Ишчи гуруҳ зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилганлиги;**

2) қабул қилинган қарорнинг ижросини вилоят ва туман (шаҳар)ларда ташкил қилишга **кўмаклашиш**, бу борада масъул вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликлар фаолиятини мувофиқлаштирилиши;

3) мамлакатимизда гимнастика спорт турларини оммалаштириш бўйича ҳамда ўтказилаётган мусобақа ва турнирларни ахборот-мультимедиа, реклама ва бошқа коммуникация воситалари орқали **кенг тарғиб қилиш ва ёритилиши;**

4) гимнастика спорт турлари бўйича ривожланган давлатларнинг юқори натижаларини мамлакатимизда жорий қилишга ташкилий-амалий ва молиявий кўмак кўрсатиш, шу жумладан **спорт гимнастикаси** бўйича Хитой, Япония, АҚШ, Россия тажрибасини, **бадий гимнастика** бўйича Россия, Беларусь, Исроил, Болгария тажрибасини, **трамполин (батутда сакраш)** бўйича АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Япония тажрибасини ўрганиш белгиланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 17 июндаги “Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги 249-сон қарори ижросини самарали ташкил этиш юзасидан **чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;**

в) Гимнастика марказлари учун ҳудудлардаги мавжуд инфратузилмани ўрганиш бўйича Ишчи гуруҳи **2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;**

Бунда, Ишчи гуруҳ қуйидагиларга эътибор қаратиши:

1) Ишчи гуруҳ томонидан гимнастика спорт турлари бўйича спорт мактабларининг мавжуд спорт базалари ва ҳудудларни ўрганиши;

2) ўрганишлар натижаси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳокимликларига зарур ҳолларда гимнастика марказлари учун ер участкалари ажратилиши тўғрисида илтимоснома киритиш;

3) талабномада ихтисослаштирилган спорт мактабларига туташ ёки унга яқин ҳудуддан коммуникацияга эга бўлган тегишли ер участкаларини ажратиш назарда тутилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

г). Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби (А.Умаралиев), Гимнастика бўйича Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаби (Ш.Нарзиева), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон гимнастика федерацияси мутахассисларини жалб қилган ҳолда:

1) икки ҳафта муддатда 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб мактабгача таълим ташкилотларида “Гимнастикага илк қадам” дастури ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчилари учун “Болалар учун гимнастика” дастурини амалга ошириш бўйича “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун вазирлик раҳбариятига киритиш;

2) бир ҳафта муддатда:

Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби (А.Умаралиев) Гимнастика бўйича Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаби (Ш.Нарзиева) билан биргаликда:

гимнастрада спорт тури бўйича хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги;

бадий гимнастика бўйича ёшлар ўртасида “Ёрқин юлдузча” ва катталар ўртасида “Grand Prix Uzbekistan” халқаро турнири;

спорт гимнастикаси бўйича “Духоба йўл” халқаро турнири;

трамполин бўйича “Самодан баланд” халқаро турнири;

халқаро гимнастика кунига бағишлаб ўтказиладиган “Gymnastics Day” бутун Ўзбекистон оммавий форуми;

умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Мактабгача ва мактаб таълими вазири кубоги” мусобақаларини 2023 йилда ўтказиш кунларини белгиласин ҳамда жамоатчиликка эълон қилиш вазифалари юклатилганлиги;

д) Вазир ўринбосари (М.Исмаилов), Молия-иқтисод бўлими (Д.Убайдуллаев), Бухгалтерия ҳисоби бўлими (З.Гулямов)га юқоридаги мусобақалар ва турнирларни ташкил қилиш ва ўтказиш учун талаб этиладиган маблағларни 2023 йилда вазирликка “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари учун 2023 йилда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан йўналтириш;

е) “Ўзавтосаноат” АЖнинг:

1) юқоридаги мусобақалар ва турнирларга юқори савияда тайёргарлик кўриш, шунингдек, уларда баланд рейтингга эга бўлган чет эллик гимнастикачилар, тренерлар ва ҳакамларнинг иштирокини таъминлаш мақсадида қўшимча 2 млрд. сўмгача бўлган ҳомийлик маблағларини ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқулланганлиги;

2) “Ўзавтосаноат” АЖ хайрия маблағлари ҳисобидан гимнастика спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар спортчиларини 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларига пухта тайёрлаш учун қарийб 33 млрд. сўм ажратилганлиги;

3) “Ўзавтосаноат” АЖ (У.Розукулов) ҳамда Ўзбекистон гимнастика федерацияси (Г.Муминова) ажратилган маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланилиши, шунингдек, уларнинг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилиниши;

ж) Вазир ўринбосари (М.Исмаилов), Инвестиция дастурлари ва инфратузилма бўлими (И.Абдусаттаров), Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон гимнастика федерацияси мутахассисларини жалб қилган ҳолда икки ҳафта муддатда Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Корхожи ота кўчаси, 2а-уй манзилида жойлашган Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактаби бино ва иншоотларини халқаро талабларга мувофиқ реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, ушбу объектнинг тегишли бўш ер майдонида 36x30 ўлчамли спорт гимнастикаси залини қуриш ҳамда уни жиҳозлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни 2023 йилдаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга ошириш бўйича таклиф киритиш вазифаси юклатилганлиги;

з) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги “Гимнастика спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-449-сон қарорининг 8-бандига мувофиқ, Нукус, Самарқанд ва Фарғона Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказларини замонавий ва халқаро талабларга мувофиқ ташкил этиш (бинолар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш) “Ўзавтосаноат” АЖнинг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилиниши;

и) Вазир ўринбосари (М.Исмаилов), Инвестиция дастурлари ва инфратузилма бўлими (И.Абдусаттаров), “Ўзавтосаноат” АЖ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутахассисларини таклифларини инобатга олган ҳолда бир ой муддатда Нукус, Самарқанд ва Фарғона Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш фази фаси юклатилганлиги;

Бунда, уларни ишлаб чиқишда энг мақбул меъморий ҳамда техник ечимлар қўлланилиши, уларни инновацион технологияларга асосланган, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш, шинамлик ва экологик хавфсизлик талабларига мувофиқлигига эътибор қаратиш;

“Ўзавтосаноат” АЖ томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ Нукус, Самарқанд ва Фарғона Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказлари фаолиятини ташкил қилиш учун зарур маблағларни ажратганлиги;

Фарғона вилояти ҳокимлиги Фарғонадаги Гимнастика спорт турларига тайёрлаш маркази биносини барпо этиш мақсадида Фарғона вилояти гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабига туташ ҳудуддан белгиланган тартибда ер майдони ажратиши белгиланганлиги инобатга олинди;

й) Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бошқармалари Ўзбекистон гимнастика федерацияси (Г.Муминова) мутахассисларини жалб қилган ҳолда “Ўзавтосаноат” АЖ, Навоий вилоят ҳокимлиги ва Наманган вилоят ҳокимлигининг таклифларини инобатга олган ҳолда икки ой муддатда Навоий ва Наманган шаҳарларида замонавий ва халқаро стандартларга жавоб берадиган трамполин (батутда сакраш) секцияларини ташкил қилиш вазифаси юклатилганлиги;

Бунда, трамполин (батутда сакраш) секцияларини ташкил қилиш ва жиҳозлаш ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

к) Вазир ўринбосари (Ш.Махмудов), Олимпия ва Паралимпия спорт турларини ривожлантириш бошқармаси (Р.Маткаримов), Професионал ва ихтисослаштирилган спорт таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими (Ф.Турдиев) мазкур қарор ижроси ҳолати бўйича ҳар чорақда тегишли маълумотни Ишчи гуруҳга киритиб бориш вазифаси юклатилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Вазирликнинг Спорт таълим муассасалари билан ишлашиш шўъбаси (А.Қалбаев) Ўзбекистон гимнастика федерацияси Қорақалпоғистон бўлими (У.Джуманиязов) мутахассисларини жалб қилган ҳолда икки ой муддатда замонавий ва халқаро стандартларга жавоб берадиган трамполин (батутда сакраш) секцияларини ташкил қилиш вазифаси юклатилганлиги;

Бунда, трамполин (батутда сакраш) секцияларини ташкил қилиш ва жиҳозлаш ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

4. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси етакчи мутахассиси (Б.Толыбаев)га:

мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров